

ДЕКАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҚИШ ЗИЙНАТИ”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Соғ танда-соғлом ақл						
Муддат	Декабрь ойининг 2-хафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Югуриш, тиззани баланд кўтариш, чегарадан сакраб ўтиш, арқондан сакраб ўтишга ҳаракат қилиш, гимнастика скамейкасида қоринда ҳаракатланиш, гимнастика скамейкасининг тагидан ўтиш, коптокни ерга уриш, ўнг тарафга бурилиш, тўрли тутқич ёрдамида учиб ва сузиб келаётган майда нарсаларни тутиш, совун кўпигини ҳосил қилиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўйин жараёнида дўстона мулоқотга киришиш ва ўзининг ўйинчоқлари билан бўлашиш; ёдига солмаган ҳолда катталар билан саломлашиш ва хайрлашиш, катталар билан муомалада ўзини эркин тутиш ва ўз фикрини билдира олиш, совғалар қабул қилганда ва байрамларда хурсанд бўлиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Нутқда сўзларни ҳар хил мимика ва имо-ишоралар билан ифодалаш, сўз ўйини ва таълимий ўйинлар ўйнаш; музокара вақтида саволлар бериш ва ўзининг фикрини баён эта олиш; берилган саволни тушуниш ва жавоб бера олиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Нарса ва геометрик шаклларнинг фарқини билиш; рақамларнинг миқдорий таркибини билиш, математик тушунчалар: “катта”, “кичик”, “тенг” кабиларни қўллаб буюмларни таққослаш. Атрофда предметларнинг жойлашувини билиш.					
	Ижодий ривожланиш	Қурилиш ҳақида айрим тушунчаларга эга бўлиш; предметларга шакл бериб тафсилотларни тасвирлаш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Математика: Предметни белгиси ва ўлчами бўйича топ		Ясаш: Футбол учун дарвоза		Кубик, лево, катта-кичик предметлар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Шифохона					Оқ халат, шифокор ва ҳамшира учун бош кийим, тиббиёт карточкаси.
	Тил ва нутқ	Ҳикоя тузиш: Қишки кийимлар		Ҳикоя тузиш:Қор ёққанда		Қўғирчоқ ва унинг кийимлари; расмлар.	
	Фан ва табиат	Аквариумдаги балиқларни кузатиш					Аквариумдаги балиқ; расмлари.
	Санъат	Расм чизиш: Ўрмондаги қишки дарахт		Лой иши: Болалар копток ўйнамокда		Рангли қалам,оқ ва рангли қоғоз, турли ўлчамли рангли копток, пуфак, пластилинлар	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ДЕКАБРЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА

СОҒ ТАНДА-СОҒЛОМ АҚЛ

Куриш-ясаи ва математика маркази

Предметни белгиси ва ўлчами бўйича топ

Мақсад: болалар предметларнинг белгиси ва ўлчамига кўра фарқлашни ўрганадилар. Предметларни бир-бирига нисбатан тартиб билан жойлаштиришни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли хил ўлчамдаги ва шаклли тахтача, машина, учбурчак, айлана, тўғри тўртбурчак, картон қоғоздан шакллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳар хил ўлчамдаги геометрик шаклларни кўриб чиқиш.
2. Геометрик шаклларнинг рангига қараб саралаш.
3. Турли ўлчамдаги учбурчак, тўғри тўртбурчак ва айлана шакллари тарқатиш. (ҳар бир шакл 9 тадан). Шаклларни бир-бирининг устига қўйиш орқали бир хил ўлчамдаги шаклларни топиш.
4. Амалга оширилган ишни муҳокама қилиш, хулосалаш.

Қўшимча : мустақамлаш юзасидан савол, қандай қилиб бир хил узунликдаги шаклларни фарқлаш мумкин?

Эътиборга молик жиҳати: таниш ўлчамдаги предметларни топиш ва фарқлаш.

Куриш-ясаи ва математика маркази

Футбол учун дарвоза

Мақсад: спортнинг футбол тури билан танишадилар, дарвозанинг бажарадиган вазифасини биладилар, мустақил равишда дарвоза кура оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, қурилиш материаллари тўплами, футбол дарвозаси расми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида суҳбат.
2. Намунани томоша қилиш.
3. Футбол дарвозасини қуриш.
4. Болалар томонидан бажарилган ишлар таҳлили.

Қўшимча: футбол ўйнаш.

Эътиборга молик жиҳати: мустақил фаолиятлари учун болаларни рағбатлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Шифохона

Мақсад: болалар сюжетли ўйинларга ижодий ёндашадилар, ўйин фаолиятини амалга ошириш учун лозим бўлган шароит, предметлар ёки уларнинг ўрнини босувчи предметларни топадилар, ўйинда ролларни алмашиб ўйнай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тиббиёт жиҳозлари, оқ халат, шифокор ва ҳамшира учун қалпоқлар, тиббиёт картаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Боғчадаги тиббиёт хонасига саёҳат.
2. Шифокор ва ҳамшира касби ҳақида суҳбат ўтказиш.
3. Ролларни тақсимлаш.

4. Сюжетли-ролли ўйин ижроси
5. Якун. Рағбатлантириш.

Қўшимча: “Бу ерда нима ортиқча?” таълимий ўйин

Эътиборга молик жиҳати: бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, жамоа бўлиб ўйнаётганда болалар ўртасида дўстона муносабат қуришга қўмаклашиш.

Тил ва нутқ маркази

Тасвирий ҳикоя: Қишки кийимлар

Мақсад: болалар қишки кийимларни тасвирлаб берадилар, гап тузишда сўзларнинг бир-бирларига боғланишига аҳамият берадилар, кийимларни мавсумга қараб ажрата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўғирчоқ ва унинг кийимлари, суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қўғирчоқ кийимларини томоша қилиш.
2. Мавзу бўйича ўзаро суҳбатлашиш.
3. “Қўғирчоқни сайрга кийинтирамиз” таълимий ўйин.
4. Сўз ўйини: этик – этикча; қўйлак – қўйлакча; пальто – пальточа ва ҳ.з.
5. Тасвирий ҳикоялар тузиш.
6. Тузган ҳикояларни дўстларига сўзлаб бериш.

Қўшимча: таълимий ва ривожлантирувчи ўйинлар ўйнаш.

Эътиборга молик жиҳати: тасвирловчи ҳикоя тузишда луғат бойлиги.

Тил ва нутқ маркази.

“Қор ёққанда” мавзусида ҳикоя тузиш

Мақсад: болалар режа асосида ҳикоя тузишни биладилар, сўзларни тўлиқ, аниқ ва ифодали талаффуз қиладилар, “К” товушини тўғри талаффуз қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: берилган мавзу юзасидан расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни таҳлил қилиш ва шу асосида суҳбат.
2. “Расмни танла-мосла” таълимий ўйин.
3. “Қор парчалари” таълимий ўйин.
4. Болалар ҳикоялари.

Қўшимча: тез айтишлар ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқ темпи, атрофдагиларни ўзига жалб қила олиш.

Фан ва табиат

Аквариумдаги балиқларни кузатиш

Мақсад: болалар балиқларнинг тузилиши ва ташқи кўриниши ҳақида биладилар, аквариумдаги балиқларни овқатлантириш ва парваришlash ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: аквариумдаги балиқлар, ҳар хил турдаги балиқлар расмлари

Фаолиятнинг бориши:

1. А.С.Пушкиннинг “Балиқчи ва балиқ” эртагини тинглаш.
2. Болалар билан суҳбат.
3. Балиқларни кузатиш. Аквариумдаги балиқларни қандай парваришlash лозим?
4. Кузатув натижаларини кузатув варағига қайд этиш
5. “Расмдаги 10 та фарқни топ” таълимий ўйини.

6. Хулосалар. Рағбатлантириш

Қўшимча: ҳар хил тур ва катталиқдаги балиқлар билан таништириш. Топишмоқларни айтиш ва уларни топиш. Ҳикоя тузиш.

Эътиборга молик жиҳати: балиқларни парваришlash, жонли табиатни севиш.

Санъат маркази

Расм: Ўрмондаги қишки дарахт

Мақсад: болалар расмда предметнинг образини тасвирлай оладилар, чиройли композицияларни топадилар, расмни рангли қаламлар орқали тасвирлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, рангли қалам, бўр, оқ ва рангли қоғозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кўриб чиқиш.
2. Бажариладиган ишни режалаштириш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш.
4. Ижодий иш.

Қўшимча: йил фаслларига мослаб дарахтлар расмини чизиш.

Эътиборга молик жиҳати: қоғозга катта дарахт расмларини жойлаштириш ва чизишга ўргатиш, қоғоз сатҳида тўғри мўлжал олиш.

Санъат маркази

Лой иши: Болалар копток ўйнамоқда

Мақсад: болалар лой ишини қизиқиш билан бажарадилар, кафтлар ёрдамида думалоқ шар тайёрлашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, оқ ва рангли қоғоз, пластилин, лой, тузли хамир, салфетка, тахтачалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналарни кўриб чиқиш.
2. Керакли жиҳозларни танлаш.
3. Ижодий иш.
4. Ишлар намоиши.
5. Рағбатлантириш

Қўшимча: “Коптокни ҳалқага тушир” ҳаракатли ўйинини ўйнаш.

Эътиборга молик жиҳати: бармоқлар майда моторикасини ривожлантириш.